

**Авария - қутқарув тузилмаларини олиб бораётган ишларини ҳамжихатлиги.**

***ЎҚУВ САВОЛЛАРИ:***

***1. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси.***

***2. Фавқулодда вазиятларда аҳолини ва ҳудудни химоялашда ҳар бир идора, вазирлик, команда, отряд, гуруҳ, аҳоли ва объектлар ходимларининг ҳамжихатлиги.***

## **Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда ХИМОЯ КИЛИШ.**

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда химоялаш деганда куйидаги комплекс ишлар назарда тутилган.

- ҳукукий,
- ташкилий,
- инженер-техник ва бошқа тадбирлар.

Комплекс ҳаракатларнинг асосида - уруш ва тинчлик даврида, фавқулодда вазиятларда содир булган ҳолларда инсон саломатлиги ва ҳаётини, моддий, манавий бойлик ва ҳудудларни химоя қилишга қаратилган .

# Тадъбирлар

- Фавкулодда Вазирлик бошкармаси ва унинг тармоклари, кумакчи ташкилотлар, бошка кархона ва идораларининг куч ва воситалари ёрдамида фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уни бартараф қилиш буйича тадъбирларни ташкиллаштириш. Бу ишлар ҳар кунлик иш шароитида ва фавкулодда вазият хавфи тугилганда амалга оширилади.
- Мақсад - бу ёки у регионда экологик ҳолатнинг узгариши ва фавкулодда вазият содир бўлиши мумкинлиги тенденциясини аниқлаш.

# АСОСИЙ ХУЖЖАТЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Фавкулودда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-1378-сонли Фармони.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилишга таърлаш тартиби тугрисида;ги 427-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазрлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 октябрдаги “Табий, техноген ва экологик тусдаги фавкулудда вазиятларнинг таснифи тугрисида”ги 455-сонли қарори.

# Хукукий ва Норматив хужжатлар

## Хукукий хужжатлари

- -Узбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармони, Хукумат қарорлари
- Маҳаллий ҳокимият бошқарув хужжатлари

## Хукукий - норматив хужжатлар

- - Халқаро стандартлар;
- - Миллий стандартлар ;
- - Қархоналар стандартлари;
- - Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги стандартлар ;
- - тармоқлар стандартлари

# Коидалар

- - санитария коидалари;
  - - радиацион хавфсизлик коидалари.
- 

## *Фавкулудда Вазиятларда ахоли ва худудларни химоялаш режалари*

- Фавкулудда вазиятларда ахоли ва худудларни химоялаш режаларига:
  - оператив;
  - мобилизацион;
  - инфармацион;
  - административ хужжатларни ишлаб чиқишни ташкиллаштириш.

## Асосий оператив хужжатларга:

- «ФВ –ларада огохлантириш ва бартараф килиш режалари...»
- «Объектларнинг фукаро мудофаси режалари (район, регион)»
- «Объект ходимларининг химоясини ташкиллаштириш» режаси;
- ФВ-ни бартараф этиш учун куч ва маблагларни таёрлаш ва доимо шай холатда ушлаб туриш режалари.

- Авария қутқарув ишларини олиб боришда ҳамжихатликда ишлаш энг муҳим омиллардан биридир. Хар бир ишни ҳамжихатликда, яъни ўзаро ҳамкорликда бажарилиши кутқарув ишларини муваффақиятли яқунланишини таъминлайди.
- ҚУТҚАРУВ ИШИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ОРГАНЛАРИ ВА КУЧЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ТАРКИБИНИ АНИҚЛАБ ҚЎЙИШ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ БОШЛИҒИНИНГ АҚИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ҲИСОБЛАНАДИ. Ҳамкорлик фуқаро муҳофазаси хар бир буғинида ташкил этилади - бундан мақсад биргаликдаги ҳаракатлар вазифаларини, мақсадларини ва вақтни келишиб олиш шунингдек, асосий вазифа бажарилишини кўзлаб турли куч ва воситаларнинг имкониятларидан самаралироқ фойдаланишдир.



## Республика (вилоят) миқёсида ҳамкорликни уюштиришнинг асосий масалалари қуйидагилардан иборат:

- - шикастланиш ўчоқларида (табiiй офат, авария, халокат жойларига) фуқаро муҳофазаси резерв кучларини ишга туширишни ва фуқаро муҳофазаси кучлари фаолиятини таъминлаш юзасидан фуқаро муҳофазаси тузилма органларининг, хизматларининг биргаликда ишлашини ташкил этиш;
- - жабрланмаган шаҳарлар ва туманлар фуқаро муҳофазаси тузилмаларидан қутқарув ишларини бажаришда фойдаланиш тартиби;
- - қўшни вилоятлар (туманлар) ўртасида ўзаро ёрдам ташкил этиш;
- - қутқарув ишлари ўтказишда фуқаро муҳофазаси қўшинларидан ва бошқа харбий қисмлардан фойдаланиш тартиби;

- Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари - вазирликлар (идоралар) раҳбарлари ўз бўғинларида ҳамкорликни ташкил этишда тармоқлар кучлари тўпланмаларини қайта тиклаш юзасидан ва қутқариш ишлари ўтказишда улар фаолиятини таъминлаш юзасидан ўз иттидаги фуқаро муҳофазаси органларини ва тузилмаларини биргаликда тадбирлар ўтказиш тартибини, шунингдек, вилоятлар ичида кучлар ва воситалар мўлжаллаган ишларини амалга ошириш тартибини белгилаб берадилар.

## Шаҳар - туман бўғинларида қуйидаги масалаларда ҳамкорлик ташкил этилади:

- шикастланиш ўчоқларига (табiiй офат, авария, халокат жойларига) фуқаро муҳофазаси қисмлари ва тузилмаларини олиб бориш ва киритиш тартиби;
- турли ишларга мўлжалланган тузилмаларнинг, харбий қисмларнинг қуйилган вазифаларни бажариларида умумий ҳаракат уйғинлигини ташкиллаштириш;
- жабрланган аҳолини қутқариш ва ҳаёт фаолиятини таъминлаш давомида фуқаро муҳофазаси органлари, фуқаро муҳофазаси кучлари фаолиятини таъминлаш юзасидан фуқаро муҳофазаси хизматлари билан тузилмалари органларининг биргаликда ишлашини ташкил этиш;
- қўшинлар (туманлар, қутқариш участкалари ва объектлари, тузилмалар, харбий қисмлар) ўртасида ўзаро ёрдамни амалга ошириш.

**Объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи қутқариш ишларини ўтказишда ҳамкорликни ташкил этаётганда қуйидагиларни келишиб олиши керак:**

- тузилмаларни (разведка, умумий, махсус тузилмаларни) тез олиб чиқиш тартиби ва уларнинг қутқариш ишлари, объектидаги фаолияти (иши);
- захарланган участкалардан, ёнғин зоналаридан, сув ва бошқа тўсиқларидан ўтиш тартиби;
- иш объектларига (жойларига) чиқиб боришни ўзаро таъминлаш юзасидан транспортда ўтиш йўлларини ва вайрона уюмларидан транспортда ўтиш йўлларини қуриш, иншоотлар устини очиш, уюмларини тозалаш, шикастлаганларни олиб чиқиш, уларга тибий ёрдам бериш ва бошқа ишларни бажариш юзасидан биринчи смена тузилмалари кучларининг фаолияти;

- алоқа ташкил этиш ва ахборот узатиш тартиби;
- бошқарув ва хабар бериш сигналлари ҳамда улар берилгандаги ҳаракат тартиби;
- ҳамкорлик қилиш тартиби ҳақида буйруқ ёки алоҳида фармойиш берилаётган вақтнинг ўзида вазифалар қуйиш йўли билан, оғзаки кўрсатмалар беришда эса вазифалар қўйилган захоти ёки тасарруфидагиларнинг қарорлари тасдиқлангандан сўнг қўл остидагилар эътиборига етказилиши мумкин.

## АҚИ ўтказишда буйруқ ва фармойишлар.

АҚИ ўтказиш ҳақида қарорга келиш билан, вазифаларни ижрочиларга вақтида етказилиш, ишларнинг бажарилишини аниқ ташкил этишнинг катта аҳамияти бор. Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўз тасарруфидаги фуқаро муҳофазаси органларига, тузилмалар командирларига, бириктириб берилган қисмларга вазифаларни шахсан ўзи ёки фуқаро муҳофазаси органлари штаби орқали етказиши мумкин.

Объектлардаги, участкалардаги шароит ҳақида тўлиқ маълумот бўлмаганда, вазифалар бирин - кетин қўйилиши мумкин. Бунда олдин тез чиқиш вазифаси, кейин фуқаро муҳофазаси кучлари шикастланиш ўчоғига (табiiй офат, авария, қалокат жойларига) яқинлашганда эса бевосита шошилиш ишлар (БШИ) ўтказиш вазифаси қўйилади. Бу ҳолда шаҳар, туман, объект фуқаро муҳофазаси бошликлари шикастланиш ўчоғи (табiiй офат, авария, халокат жойларига) томон тез чиқиб бориб, шароитга баҳо берадилар, қарорга келадилар ва етиб келган фуқаро муҳофазаси кучларига вазифалар қўяди.

## Ташкилий ишлар.

- Буйруқлар ва фармойишлар қисқа ва аниқ бўлиши керак.
- Фуқаро муҳофазаси бошлиғи берган оғзаки буйруқлар ва фармойишларнинг хаммаси кейин ёзиб расмийлаштирилади.
- Вазифалар ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ, бажарилишини таъминлаш мақсадида, ижронини назорат қилишни ҳамма даражадаги штабларда ташкил этадилар.
- Назорат доимий бўлиши, асосий вазифалар ҳал этилиши, биринчи навбатда ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар бажарилишини доимий текширишга қаратилиши керак.
- Буйруқларнинг ноаниқ бажарилишига йўл қўймаслик, эҳтимоли бор қийинчиликларни топиш мақсадида назорат огохлантирувчи характерда бўлиши ва вазифаларни ҳал этишда тасарруфидаги фуқаро муҳофазаси штабларига, хизматларига, кучларига ёрдам бериш билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.
- Буйруқларнинг ноаниқ бажарилишига йўл қўймаслик, эҳтимоли бор қийинчиликларни топиш мақсадида назорат огохлантирувчи характерда бўлиши ва вазифаларни ҳал этишда тасарруфидаги фуқаро муҳофазаси штабларига, хизматларига, кучларига ёрдам бериш билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.



## Назорат қилиш.

- Назорат ишлаб чиқилган режага биноан амалга оширилади ва ҳамма ҳолларда: буйруқларни, фармойишларни, сигналларни қўл остидагилар вақтида олишни; фуқаро муҳофазасини тинчлик ҳолатидан ҳарбий ҳолатига ўтказишдаги, фуқаро муҳофазаси кучларини туширишдаги ва уларни моддий - техникавий таъминлашдаги, разведка уюштирадиган тадбирлар бажарилиши; қўл остидагилар қабул қиладиган қарорлар қўйилган вазифаларга ва уларнинг бажарилишига мос бўлиши назорат қилинади.
- Назорат қилиш усули - фуқаро муҳофазаси аҳволини фуқаро муҳофазаси бошлиғи раҳбарлари таркиби, штаб хизматчилари жойнинг ўзида шахсан ўрганиб чиқишдан иборат.
- Фуқаро муҳофазасини тинчлик ҳолатидан ҳарбий ҳолатига ўтказишда авария ва бошқа шошилиш ишлар махсус ажратилган масъул шахслар (мансабдор кишилар) ёки вакиллар назорат қилиб ва ёрдам бериб туради, улар жойларнинг ўзида вазифаларни бажариш ва камчиликларни тузатиш чораларини кўрадилар.

- Назорат қилиш усули - фуқаро муҳофазаси аҳволини фуқаро муҳофазаси бошлиғи раҳбарлари таркиби, штаб хизматчилари жойнинг ўзида шахсан ўрганиб чиқишдан иборат.
- Фуқаро муҳофазасини тинчлик ҳолатидан харбий ҳолатига ўтказишда авария ва бошқа шошилиш ишлар махсус ажратилган масъул шахслар (мансабдор кишилар) ёки вакиллар назорат қилиб ва ёрдам бериб туради, улар жойларнинг ўзида вазифаларни бажариш ва камчиликларни тuzатиш чораларини кўрадилар.
- Назорат алоқанинг техник воситалари ёрдамида гаплашиш, топширилган ҳужжатларни ўрганиш йўллари билан амалга оширилиши мумкин.
- Назорат натижаларига биноан буйруқлар чиқарилади, фармойишлар берилади ва камчиликларни тuzатиш режалари ишлаб чиқарилади.
- Тузилмалар хатти - ҳаракатларини таъминлаш.
- Фавқулодда вазиятларда авария кутқарув ишларини олиб боришда тузилмалар ҳаракатини таъминлаш, тузилмаларни хар томонлама таъминотига боғлиқ бўлади.

## Моддий техника таъминоти

- Моддий техника таъминоти - фуқаро муҳофазаси тузилмаларини муҳофазаннинг техник, алоқа воситалари, радиациявий ва кимёвий разведка асбоблари, ёнилғи - мойлаш материаллари, дори - дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва бошқа воситалар билан фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказиш учун кераклик микдорда ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш ва амалга оширишдир. Техник таъминот - фуқаро муҳофазаси вазифаларини хал қилиш учун жалб этиладиган техникадан тўғри фойдаланиш, унга хизмат кўрсатиш, тузатиш ва эвакуация қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур.

## Моддий таъминотнинг умумий вазифаларига қуйидагилар киради:

- - давқулодда вазият шароитида фуқаро муҳофазаси тузилмаларини, муассасаларини ва тадбирларини моддий таъминлаш режаларини ишлаб чиқиш ва уларга тузатишлар киритиб туриш;
- - фуқаро муҳофазаси тузилмалари ҳаракатини узлуксиз таъминлаб туриш учун зарур озиқ - овқат маҳсулотлари, муҳофаза воситалари, махсус техника.
- - асбоб-ускуналар захирасини яратиш.


Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига қуйидаги талаблар тасдиқланган:

- 9-модда. Вазирликлар ва идоралар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари шарт.
- 10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратадилар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тадбирларини молиялашни амалга оширадилар.
- 11-модда Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:
  - - фавқулодда вазиятлар рўй бериш эҳтимолини назарда тутиб, белгиланган тартибда моддий ва молиявий ресурслар резервларини яратишлари;
  - - белгиланган тартибда ихтисослашган хизматлар ва тузилмаларини яратишлари, уларни шахсий таркиб, техника ва анжомлар билан тўлдиришлари шарт (1-расм).




## Техник таъминотнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- - қутқарув ишлари мобайнида ишдан чиққан техникани тузатишни ташкил этиш;
- - белгиланган муддатларда ва тўлиқ хажмда машиналарга техник хизмат кўрсатиш;
- - таъмирлаш корхоналари ва тузилмаларини захира қисмлар ва таъмирлаш материаллари билан таъминлаш;
- - шикастланган ва бузилган техникани шикастланган машиналар тўпланадиган пунктларга ёки муҳим таъмирлаш корхонарига эвакуация қилиш;
- - техникани таъмирлаш ва эвакуация қилиш учун куч ва воситаларни тайёрлаш.







## Фуқоро муҳофазаси моддий-техник таъминотнинг хизматлари ва органлари. Моддий таъминлаш учун ташкил этиладиган хизматлар қуйидагилардан иборат:

- Савдо ва овқатлантириш хизмати.
- Моддий-техник таъминот хизмати.
- Ёнилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) билан таъминлаш хизмати.
- Савдо ва овқатлантириш хизмати бошланғич ҳудудлар, шунингдек қутқарув ва кечиктириб бўлмайдиган авария-қутқарув ишлари олиб борилаётган жойларда шахсий таркибни иссиқ овқат билан, уни тайёрлашни иложи бўлмаган ҳолларда эса қуруқ паек билан таъминлаш, шунингдек санитар-ювиш пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам отрядлари шахсий таркибини алмашлаб кийиладиган кийим-бош, ич кийим ва пойабзал билан тўла ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида тузилади.

- Моддий-техник таъминот хизмати фуқоро муҳофазаси тузилмаларини тўла ва ўз вақтида шахсий муҳофаза воситалари, махсус асбоб-ускуна ва техника, қурилиш материаллари, дегазация моддалари, анжомлар ва махсус кийим-бош билан таъминлаш мақсадида тузилади.
- Ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш хизмати фуқаро муҳофазаси масалаларини хал қилиш учун жалб этиладиган махсус техника ва транспортни тўла ва ўз вақтида ёнилғи - мойлаш материаллари билан таъминлаш мақсадида тузилади.

## Моддий техник таъминот кўчма тузилмаларининг таркиби ва имкониятлари.

### 1. Овқатлантириш кўчма пункти (ОКП).

- Таркиби: овқат пишириш ва тарқатиш 2 звеноси.
- Техника: 3 дона (бортли юк машинаси, автоцистерна, 1 комплект -тиркама ошхона). Жами; 25 киши.
- Имкониятлари: 10 соат иш мобайнида 1200 кишига етадиган овқат тайёрлаш ва тарқатиш.

### 2. Озиқ - овқат таъминоти кўчма пункти (ООТКП).

- Таркиби: қадокловчи ва паёк тарқатувчи 2 звено.
- Техника: тиркама бортли 2 та автомобиль. Жами: 12 киши.
- Имкониятлари: 10 соат иш мобайнида 5000 қуруқ. паёкни бутлаш ва бериш.

### 3. Буюм таъминоти кўчма пункти (БТКП).

- Таркиби: кийим билан таъминловчи 2 звено. Техника: 2 та бортли юк машина. Жами: 14 киши. Имкониятлари: 10 соат иш мобайнида биринчи тиббий ёрдам отряди, санитария-ювиш пунктларига 1500 комплектгача алмаштириб кийиладиган кийимлар, ич кийим ва пойафзаллар келтириш ва бериш.

### 4. Автоёнилғи қуйиш кўчма шохобчаси (АЁҚКШ).

- Таркиби: ёнилғи-мойлаш материаллари келтирувчи ва қуйиб берувчи 2 звено.
- Техника: 2 та ёнилғи қуйиш автомашиинаси. Жами: 5 киши. Имкониятлари: 10 соат иш мобайнида 400-500 техникага. ёнилғи қуйиш.

## 5. Сув ташиш звеноси (СТЗ).

Таркиби: 6 киши (звено командири-хайдовчи ҳамда 5 хайдовчи). Техника: 6 та автоцистерна ёки бочкали 6 та юк машинаси. Имкониятлари: 10 соат иш мобайнида 75 минг литргача сув олиб келиш.

---

ФВДТ (фавкулудда вазиятларда доимий таёргарлик)  
режимларида моддий-техник таъминотнинг умумий  
вазифалари:

- Кундалик фаолият режимида. Моддий-техник таъминотнинг умумий вазифаларига оид.

## Юқори тайёргарлик режимида:

- - фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини шай ҳолатга келтириш, зарурат туғилганида уларнинг ҳаракатлари ва фавқулодда вазият ҳудудига йўналишини аниқлаштириш;
- - фуқаро муҳофазаси кучлари рўйхатидаги техника ва анжомлар билан тўлдириш;
- - қутқарув ишларига жалб қилинадиган автотранспорт ва техникани ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш;
- - тузилмалар шахсий таркибини овқатлантиришни ташкил этиш;
- - моддий ресурсларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш.

## Фавқулодда режимда:

- - фавқулодда вазият шароитида қутқарув ишларини олиб бораётган фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини моддий воситалар билан узлуксиз таъминлаш - асосий вазифадир;
- - тузилмаларни ва жабрланган аҳолини озиқ-овқат ва биринчи навбатда зарур бўлган буюмлар билан таъминлаш;
- - алмаштириладиган кийим-бошни олиб келиш ва таъминлаш;
- - фавқулодда вазият ҳудудида ишлаётган техникани ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш;
- - моддий воситаларни олиб келиш ва тўлдириш.